

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIY VA O‘RTA MAXSUS TA‘LIM VAZIRLIGI
ANDIJON DAVLAT UNIVERSITETI

311 – гуруҳ талабаси Махмудова Дилшода
Мавзу: Педагогик инновацион технологиялар

РЕФЕРАТ

Илмий рахбар

С.Омонуллаева

Андижон-2013



Педагогик инновация ва инновацион фаолият- таълим сифатинининг кафолати

Ҳозирги вақтда «Инновация тушунчаси» жуда кенг қўлланилмоқда. Инновация сўзи инглизча сўз бўлиб — «инновацион» янгилик киритиш деган маънони билдиради, яъни тизим ички тузилишини ўзгартириш, деб таърифланади. Инновация амалиёт ва назариянинг муҳим қисми бўлиб, ижтимоий- маданий объект сифатларини яхшилашга йўналтирилган ижтимоий субъектларнинг ҳаракат тизимидир. Инновациялар долзарб, муҳим аҳамиятга эга бўлиб, бир тизимда шаклланган янгича ёндашувлардир. Улар ташаббуслар ва янгиликлар асосида туғилиб, таълим мазмунини ривожлантириш учун истиқболли бўлади. Шунингдек, умуман таълим тизими ривожига ижобий таъсир кўрсатади. Инновация — маълум бир фаолият майдонидаги ёки ишлаб чиқаришдаги технология, шакл ва методлар, муаммони ечиш учун янгича ёндашув ёки янги технологик жараёни қўллаш, олдингидан анча муваффақиятга эришишига олиб келиши маълум бўлган охириги натижадир. Бугун таълим тизимидаги инновацияларни қуйидагича таснифлаш мумкин: — фаолият йўналишига қараб (педагогик жараёндаги, бошқарувдаги) — киритилган ўзгаришларнинг тавсифига кўра (локал, модулли, тизимли) — келиб чиқиш манбаига кўра (шу жамоа учун ички ёки ташқаридан олинган) Инновациялар одатда бир неча муаммо кесишган пайтда вужудга келади ва умуман янги масалаларни ҳал қилади, педагогик жараённинг узлуксиз янгиланиб боришга олиб келади. «Янгиликларни жорий қилиш» тушунчаси бизнингча, янгилик, ҳам ана шу янгиликни амалиётга жорий этиш жараёнидир. Янгилик — бу алоҳида олинган шахс учун янги бўлган ғоядир, бу ғоя объектив равишда янги ёки янги эмаслиги аҳамият касб этмайди, биз уни вақт бўйича — янгилик очилган пайт ёки ундан биринчи марта фойдаланилган пайтда аниқлаймиз. Янгиликни жорий қилиш предмет мазмунига кўра учта асосий гуруҳга бўлинади: 1) техник- технологик; 2) маҳсулий; 3) ижтимоий. Ўз навбатида буларга қуйидагилар киради: иқтисодий, ташкилий- бошқарув, хусусий- ижтимоий, ҳукукий. Таълим тизимидаги ҳар қандай янгилик инновация бўла олмайди. Шу сабабли «новация» ва «инновация» тушунчалари ўртасидаги асосий фарқларни кўрсатиб ўтиш зарур. Бунинг учун ислохот фаолиятининг аниқ шакли, мазмуни ва кўлами асос бўлиб хизмат қилади. Агар фаолият қисқа муддатли бўлса ва яхлит тизим хусусиятига эга

бўлмаса, ўз олдига муайян тизимдаги фақат баъзи элементларини ўзгартиришни вазифа қилиб қўйган бўлса, у ҳолда биз новация билан мулоқот қилаётган бўламиз. Агар фаолият маълум концептуал ёндашув асосида амалга оширилаётган бўлса ва унинг натижаси ўша тизим ривожланишига ёки унинг принципиал ўзгаришига олиб келсагина инновация дея оламиз. Ҳар иккала тушунча мезонлари қуйидагича: инновация амалдаги назария доирасида амалга оширилади, кўлам ва вақт бўйича чегараланади, методлар янгиланади ва натижаси аввалги тизимни такомиллаштиради. Инновация эса тизимли, яхши ва давомли бўлади, маълум амалиётда янги фаолият тизимини лойиҳалайди, амалиёт субъектлари позицияларини тўла янгилайди. Бунда фаолиятнинг янги йўналишлари очилади, янги технологиялар яратилади, фаолиятнинг янги сифат натижаларига эришилади, натижада амалиётнинг ўзи ҳам янгиланади. Инновациянинг амалиётга киритилиши инновацион жараёнларда амалга оширилади. Инновацион жараён деб — инновацион ўзгаришларга тайёргарлик кўриш ва уни амалга ошириш жараёнига айтилади. Инновацион жараён — бу педагогик янгиликлар, бу янгиликларнинг педагогик ҳамжамият томонидан ўзлаштирилиши ва улардан илмий асосда амалиётда самарали фойдаланишнинг ўзгариб боровчи яхлитлигидир. Таълим жараёнидаги инновацион ўзгаришлар, таълим тизимида ҳар қандай янгиликнинг киритилиши бевосита ўқитувчи фаолиятини янгилаш ва ўзгартириш орқали амалга оширилиши ҳам атрофлича ўрганилган. Инновацион фаолият — бу узлуксиз равишда янгиликлар асосида ишлаш бўлиб, у узоқ вақт давомида шаклланади ва такомиллашиб боради. Ўқитувчи инновацион фаолияти хусусиятларини ўрганиб чиққан педагогик олимлар фикрларига таянган ҳолда, қуйидагиларни инновацион фаолиятнинг асосий белгилари деб ҳисоблаш мумкин: — ижодий фаолият фалсафасини эгаллашга интилиш; — педагогик тадқиқот методларини эгаллаш; — муаллифлик концепцияларини яратиш қобилияти; — тажриба — синов ишларини режалаштириш ва амалга ошира олиш; — ўзидан бошқа тадқиқотчи — педагоглар тажрибаларини қўллаш олиш; — ҳамкасблар билан ҳамкорлик; — фикр алмашиш ва методик ёрдам кўрсата олишлик; — зиддиятларнинг олдини олиш ва бартараф этиш; — янгиликларни излаб топиш ва уларни ўз шароитига мослаштириб бориш. Инновацион фаолият даврида янгиликлар, инновациялар, том маънода таълим жараёнига кириб келади. Шу сабабли таълим тизимидаги инновацияларни педагогик жараёнга киритиш 4 босқичда амалга оширилади: 1. Муаммоли таҳлил асосида аниқлаш. 2. Мўлжалланаётган таълим тизимини лойиҳалаш. 3. Ўзгаришлар ва янгиликларни режалаштириш. 4. Ўзгаришларни амалга ошириш. Инновацион фаолиятга тайёрлашдан мақсад — ўқитувчининг янгиликка интилувчанлигини, мустақил ўз устида ишлаш кўникмаси ва малакасини шакллантириш, янги педагогик технологиялар, интерфаол методлардан фойдаланиб, дарс ва дарсдан

ташқари машғулотларни ўтказиш малакасини такомиллаштиришдан иборат. Хулоса қилиб айтганда, инновацион фаолият — янги ижтимоий талаблар билан анъанавий меъёрларнинг мос келмаслиги ёхуд амалиётнинг янги шаклланаётган меъёрининг юзага келган меъёр билан тўқнашувчи натижасида вужудга келган қатор муаммоларни ечишга қаратилади. Инновациялар доимий равишда педагогик фаолиятга янгиликлар олиб кириш орқали таълим ривожига ҳисса қўшади, педагогик фаолиятга ижобий таъсир кўрсатади. Ўқитувчининг инновацион фаолияти бутун педагогик жамоани ҳаракатга келтирувчи, олға бошловчи, тараққий эттирувчи куч вазифасини бажаради ва таълим жараёнининг сифатини кафолатлайди. Шунинг учун ҳам инновацияни ҳар бир ўқитувчи тушуниб, ўқиб ва ўрганиб, ўзининг педагогик фаолиятига олиб кира олса, таълим стандартларида кўрсатилган меъёрий талаблар амалга ошади. Ўқитувчи инновация фаолиятга тайёр бўлиб, дарсга энг сўнгги янгиликларни олиб кириб, ўқувчига қизиқарли ва уни эҳтиёжига мос равишда ташкил этсагина, сифат ва самарадорликни кафолатлаши мумкин.

ЭЛЕКТРОН ДАРСЛИКЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

Илм-фан ривожини мамлакат тараққиётини белгиловчи муҳим омиллардан биридир. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш ва бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ушбу йўналишдаги саъй-ҳаракатларни янада жадаллаштирди. 2007-йилнинг 8-9 июн кунлари Низомий номидаги Тошкент давлат университети ЮНЕСКО, Россия таълим Академияси, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта-махсус таълим вазирлиги, А.С. Пушкин номидаги Ленинград давлат университети билан ҳамкорликда ташкил этилган «Бутун умр таълим: барқарор ривожланиш учун узлуксиз таълим» мавзусидаги 5-халқаро конференцияни бевосита таълим соҳасидаги халқаро ҳамкорликнинг ёрқин намунаси сифатида эътироф этиш мумкин. Ушбу халқаро конференцияни Гулистон давлат университети профессор-ўқитувчилари ҳам узоқ масофадан кузатиб бориши, маърузалар билан қатнашиши, маърузачиларга саволлар билан мурожаат қилиши каби ҳолатлар ахборот коммуникация технологияларидан олий ўқув юртларида унумли фойдаланаётганликларидан далолат беради. Бунда янги педагогик технологиялар билан замонавий ахборот технологиясини уйғунлаштириб олиб борилиши ўқув жараёнининг самарали бўлишини таъминлайди. Компьютер технологиялари ҳар бир соҳада, хусусан таълим соҳасида ҳам унумли қўлланилмоқда. Шу сабабли Гулистон давлат университетида ҳам компьютер технологиялари асосида машғулотларни ташкил этиш йўлга қўйилган. Университетда ташкил этилган педагогик инновация марказида педагогик

технологиялар ва ахборот коммуникация технологиялар асосида таълим самарадорлигини оширишнинг янги шакл ва воситалари ўрганилиб, барча профессор-ўқитувчиларнинг амалий фаолиятларида қўлланишга тавсиялар ишлаб чиқилмоқда. Жумладан 2001 йилдан буён янги педагогик технологиялар асосида маъруза матнлари, ўқув услубий мажмуалар, лаборатория ва амалий машғулотлар ишланмалари тайёрланиб келинмоқда. Ҳозирги кун талабларига мос ҳолда машғулотлар электрон таълим захиралари воситасида ўтилмоқда. Электрон дарслик ва ўқув қўлланмалар яратиш борасида университетимиз профессор-ўқитувчилари фаол иш олиб бормоқдалар.

Ҳозирги кунда университетнинг кундузги бўлимида 4000 га яқин талабалар 19 та таълим йўналиши бўйича таҳсил олмоқда. Уларга 360 дан ортиқ профессор-ўқитувчилар сабоқ беришга жалб қилинган. Ҳар бир профессор-ўқитувчининг мультимедия марказида логон пароли ва электрон манзили мавжуд. Университетда 300 000 китоб жамғармасига эга бўлган ахборот ресурс маркази, 28 та компьютер хонаси, мультимедия маркази ва педагогик инновация маркази фаолият кўрсатмоқда. Педагогик инновация марказида университет кафедраларида педагогик технологиялар ва ахборот коммуникация технологиялардан фойдаланиш бўйича орттирилган тажрибаларни ўрганиш ва оммалаштириш мақсадида 3та лаборатория фаолият кўрсатмоқда. Университетда ҳар ўқув йилининг ноябр- декабр ойлари орасида бир ой давомида «Таълим самарадорлигини ошириш ойлиги» танлови ўтказилади. Танловда университетда фаолият кўрсатаётган ҳар бир професор- ўқитувчининг дарси махсус тузилган комиссия томонидан кузатилиб, юқори кўрсаткичга эга бўлган профессор-ўқитувчиларнинг дарслари оммалаштирилади, ёш ўқитувчилар учун услубий маслаҳатлар берилади. Университетда ўқитиладиган барча фанларни ўзига хос хусусиятлари ҳисобга олинган ҳолда янги педагогик технологиялар асосида электрон таълим захиралари яратилган ва такомиллаштириб борилмоқда.

Электрон таълим захиралари воситасида таълим бериш педагогик адабиётларда компьютерли ўқитиш технологияси деб юритилади. Электрон дарсликлар махсус фаннинг мазмуни ва моҳиятига диққатни жалб этган ҳолда кўп сондаги маълумотларни қараб чиқиш ва кўпроқ амалий машғулотларни бажаришга имкон яратади. Ўрганишнинг барча босқичларида ўз-ўзини текшириб кўриш учун кенг имкониятлар мавжуд. Электрон дарслик тажрибали ўқитувчи вазифасини, чекланмаган тушунтиришларни, саноксиз такрорлашларни, эслатишларни тақдим этган ҳолда бажарилади. Электрон таълим захираларини яратишда қуйидаги тузилмага эътибор қаратиш лозим: курс муаллифи ҳақида маълумотлар, курс ҳақида маълумот-кириш, модуль шаклидаги асосий матн, мустақил тест орқали билимини синаш учун саволлар,

маълумотнома материаллар, адабиётлар рўйхати, электрон кутубхона, ўзаро мулоқот воситалари(электрон почта, телеконференция-форум, чат), амалий ва лаборатория машғулоти, ижодий топшириқлар (курс иши), муаммо ҳолатлар блоклари, маълумотлар омбори(рефератлар, лойиҳалар, тақдиротлар), талабаларнинг Web ишлари, Web –сайтга жойлаштирилган тез учрайдиган савол-жавоблар блоклари, якуний баҳолаш (тест саволлари), мониторинг блоклари, анкеталар пакети.

Электрон дарсликлар қуйидаги сифатларга эга бўлмоғи лозим:

-яхши гиперматин ва баён этиш логик тузилмасига; фойдаланувчи учун қулай навигация тизимига; интернет ва замонавий компьютерларнинг мультимедиа ва анимация имкониятларидан фойдаланишга; билимни назорат қилиш тизимига; курсларни унча катта бўлмаган блокларга ажратилганлиги; автоном маълумотнома материалларига; интернет тизимидаги электрон кутубхоналарга, ахборот манбаларига мурожаатга; ўқув дарслигининг мундарижага эга бўлишига; осон кириш, тез юкланишга; ихтиёрий танланган мавзуга ўтиш (масалан олдинги мавзуга ўтиш, кейинги мавзуга ўтиш, дастурда ишлаш ҳақида маълумот олиш, дастурдан чиқиш ва бошқалар); ўқитувчи билан самарали тескари алоқага (электрон почта, Web конференция, IRC-технология (chat)) IRC (Internet Relay Chat) – ҳақиқий вақт режимида Интернет орқали гаплашиш.

Юқоридагилар ёрдамида талабалар дарс мавзусини танлаши, олдинги ва навбатдаги мавзуга мундарижа орқали ўтиши, олдинги ва навбатдаги мавзу бўйича мавжуд мультимедиа ва анимацияларни кўриши, бирор мавзуга белги ўрнатиши ва унга электрон дарсликнинг бошқа жойидан зудликда ўтиш, дарс матнидан сўз қидириш ҳақида маълумот олиш ва дастурдан чиқиш каби бир қатор ишлар қўламини бажариши мумкин.

Электрон дарслик воситасида ўқитишда қуйидаги қулай имкониятлар яратилади: компьютерли қўллаб-қувватлашлардан фойдаланган ҳолда, талабалар катта миқдордаги топшириқларни бажаришга улгурадилар, ечимлар ва уларнинг график талқинини таҳлил қилиш учун сарфланадиган вақтни тежайдилар; компьютер олдида мустақил иш шаклида машғулоти ўтказиш имконини беради; талабалар билими тез ва самарали назоратдан ўтказилади; ўқитувчига назарий ва амалий машғулотларда ўзининг хоҳиши бўйича ҳажм жиҳатидан кичик, аммо таркиби бўйича ўта муҳим бўлган материалларни етказишга, талабаларнинг аудитория машғулоти доирасидан ташқари ўрганиш мумкин бўлган масалаларни ечишда мустақил шуғулланишларига шароит яратилади; ўқитувчи назорат ишларини текширишдан озод бўлади; уй топшириқлари ва назорат ишлари қисмига оид ишларни индивидуallasштириш мумкин.

Компьютерли ўқитиш технологиясининг асосий хусусиятлари ва афзаллик жиҳатлари қуйидагилардан иборат:

-ушбу технология талабаларни мустақил фикрлаши ва ижодий қобилиятларини ривожлантиришга йўналтиради;

-ўқитувчи таълим жараёнида маслаҳатчи сифатида қатнашади;

-ўқитиш жараёнида ахборот воситалари ва захиралари фаол интеграцияси таъминланади;

-ўқишга қизиқиш ортади; таълим олишнинг қулайлиги ва натижавийлигини таъминлайди; талабаларда мустақил ишлаш ва изланиш малакалари шаклланади.

Хулоса қилиб айтганда, юқорида келтирилган маълумотлар таълим самарадорлигини оширишда компьютердан ўринли ҳамда унумли фойдаланиш имкониятлари мавжудлигини тажрибаларимиз кўрсатмоқда. Демак, компьютерли ўқитиш технологиясини таълим жараёнига олиб кириш давр талаби. Ўқитувчи бундай технологияни пухта билиши, ўрганиладиган материалларнинг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда уни тўғри танлай олиши лозим. Шундагина талабаларнинг фанга қизиқиш даражаси янада юқори бўлади.